

АБДУЛҲАҚ

ЧАЙҚАЛИБ  
ОҚМОҚДА  
ДУНЁ

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2006

84(55)6-5 Узб, б24, 242б.


## Шеърлар

Абдулҳақ — кўнгил шоири, армон ва ҳайратларнинг нозиктаъб назмий мусаввири. Ҳар бир сўз, ҳар бир ифода руҳият чақмоқларидаи гулдурайди, сўнг ҳазин ёмғирга айланади.

Аслида юрак ва вўжуд муносабатлари шундай: гоҳ портгайди, гоҳ мунграйди.

Ушбу тўпламга кирган шеърлар тушунгани ўқувчисини ўзи билан етаклаб олиб кетади, ўзгага шукӯҳ баҳш этади.

-32345  
W 091



ISBN 5-633-01878-8

© Абдулҳақ «Чайқалиб оқмоқда дунё».

«Янги аср авлоди», 2006 йил

\* \* \*

Эркам, бир кун маъюс кўнглим шодлармисиз?  
Хаёлингиз хаёлимга отлармисиз?  
Билмам, ўқсиб эслармисиз, ёллармисиз  
Мажнунингиз йиқилса, ишқ чўлларида?

Лабимизга келинг лабни гулоб айлаб,  
Исмимизга юрагингиз аъроф айлаб.  
Дилқушоим, дийдамизни хуноб айлаб,  
Кулга чўқдик айрилиқнинг йўлларида.

Ҳаётимдир лойқаланган сувга менгзаш,  
Афонли, ҳам нолали бир куйга менгзаш,  
Йифлармисиз, куярмисиз Сиз хун талаш –  
Жон берсаг-ей Сиздек жонон қўлларида?

Кенг дунёнинг давронига сифмадим мен,  
Шундан қалбим тирнадим мен, тигладим мен,  
Келармисиз, келмасмисиз, билмадим мен,  
Абдулҳақнинг қирқларида, йилларида?

\* \* \*

*Отда Францияга  
бориб келган Зиёҳиддин  
Мамажонов хотирасига*

Ҳинду сори юзланганча қолди отлар,  
Кўзларига маржон айлаб дош — тоқатни.  
Оҳ, нечундир юрагимга инди додлар,  
Ногоҳ бугун қўмсаб Зиё Муҳаммадни.

Дунё — ёлғон, ёқтиргайдир эртакларни,  
Кўнглин хушлар топтаб нозик чечакларни,  
Кетгим келди, силтаб кетгум этакларни,  
Ногоҳ бугун қўмсаб Зиё Муҳаммадни.

Элни домга тортгай алдаб дажжоллари,  
Ҳақиқатга кўпик тутгай ғассоллари.  
Тўшим тешар, совуқ соғинч шамоллари,  
Ногоҳ бугун қўмсаб Зиё Муҳаммадни.

Адолатта кафан битган қотил дунё,  
Итларига зарлар тутган қотил дунё.  
Лахта қонга ботиб кетган қотил дунё  
Ногоҳ юлиб кетдинг Зиё Муҳаммадни.

• • •

Гулым, букун узилди арқон,  
Тегди ўткир тиғ ришталарга.  
Севгимиз ҳам букун бегумон  
Айланди пок фаришталарга.

Софинч гүдак болалар каби  
Бетин инграр дилларимизда.  
Алвон-алвон лолалар каби  
Армон ўсар йўлларимизда.

\* \* \*

Тиконлар бир куни сиз гул бўлармисиз?  
Муҳаббатга эгилган қул бўлармисиз?

## **КИПРИК ҲАҚИДА ДОСТОН**

**Күэимга санчилган ҳар киприк —  
Васлинг-чун қурилган бир күприк.**

## **КҮЗИМ – АНХОР**

**Күзим – анхор, дийданг чүмилган.**

## **ҚАЛБИМ – ҚАБР**

Қалбим – қабр, васлинг кўмилган.

\* \* \*

Туманлар тизилар, тунлар тизилар,  
Яшашдан асраган малакдай гүё.  
Құрқұвдан чопаман, тушим эзилар,  
Үнгингда юракни эзгандай рүё.

\* \* \*

Ичимга ютганча бор соғинчимни,  
Ётибман шифтларга отиб тинчимни.  
Сен томон жүнатиб қўйиб ногаҳон  
Хокисор хаёлим – совчим, элчимни.

*...Фақат сен меники эмассан, жоним.  
M. Кенжабек*

Қуюнларда қолган қалб меникидир,  
Қалбларга чүғ солган қалб меникидир,  
Бор дардларни олган қалб меникидир,  
Фақат сен меники эмассан, жоним.

Ишқни күкка әлтиб, туғлаган юрак,  
Туғларга бош қўйиб, йиғлаган юрак.  
Йиғлаб бори корин тиғлаган юрак,  
Фақат сен меники эмассан, жоним.

Дилларда гуллаган, сўлмаган чечак,  
Хаёлларга ҳоким – чирмашган печак,  
Эртаклар меники, меники — чўпчак,  
Фақат сен меники эмассан, жоним.

Ширин сўзга ўчим, нозик нинашим,  
Қомати хуш бичим, салга гинашим,  
Бағримда «оҳ» чим-чим, гўзал «таъна»чим,  
Фақат сен меники эмассан, жоним.

## НЕКИ БҮЛСА ...

Тебраниб йиғладим, йиғладим түйиб,  
Хұрсинашынан йиғладим, бардошим – зада.  
Сиз ҳам бағриңгиздан юбормай қўйиб,  
Йиғладингиз менга қўшилиб, дада!

Бизни кўриб сабру соғинч йиғлади,  
Кўнишишлар ҳамда овунч йиғлади.  
Сукунат йиғлади, йиғлади жимлик,  
Неки бўлса бари нотинч йиғлади.

Қийнадими қалбим қийноқлари ё?  
Эзилган юрагим ўйноқлари ё?  
Тирнадими билмам кўксингиз бу кеч,  
Мангу айрилиқнинг тирноқлари ё?

Соғиниб чопдими руҳингиз, билмам,  
Ё озор топдими руҳингиз, билмам,  
Бу дунёга сифмай қийналғанларим  
Сезиб-илғабдими руҳингиз, билмам...

Оқди юзимизга соғинч томчилаб,  
Ниҳоят тонг отди, тунни қамчилаб.  
Дод солиб уйғондим, додлаб уйғондим,  
Дилимни ташлади ўксиш қайчилаб.

Айрилиқ кўксига бошимни қўйиб,  
Тебраниб йиғладим, йиғладим түйиб.

\* \* \*

Тун бўйи кездим дил тўла ғам,  
Ҳар туним шундайин ўтади.  
Аҳволим кўргач, оҳ, туннинг ҳам  
Ранглари оқариб кетади.

\* \* \*

Юрак чирс-чирс ёнар андуҳ ўчогида,  
Дил тилинар фоний дунё пичогида.  
Ҳам кўксида ухлар бу кун хаста руҳим  
Ва тунар ғам хаста руҳим қучогида.

\* \* \*

Үтди ёшлик, қолдым ғам — тоғ устида,  
Сени ўйлаб дилим доғ-доғ устида.  
Васлинг умидида ўтарман бедор,  
Тұнлари танларим тирноқ учида.

\* \* \*

Тун.

Ухлайди барча-барча жим,  
Шод-хуррамлық тун ичрағижим.  
Фақатгина мен уйғоқдирман  
Ва уйғоқ хун — қасоскор иним.

\* \* \*

Жимлик риштаси-ла боғлаб тилемни,  
Ўтказдим умримни, ёшлиқ йилимни.  
Тасбеҳ янглиғ ўтди кунларим тоши,  
Беркилган кўчанинг очолмай бошин..


Қийнар портламаган исёнлар бари,  
Кўзин ёролмаган куртак сингари.  
Юрак қулоғига ғамлар най чалар,  
Беҳудага кеттан дамлар най чалар.

Тасбеҳ янглиғ ўтди кунларим тоши,  
Беркилган кўчанинг очолмай бошин..

\*\*\*

Қийнамоқда телбалик ёмон,  
Тутмоқдадир илҳом жомини...  
Оҳ, бир зўр шеър туғилса шу он,  
Яшил умид қўяй номини.

Мана, золим илҳомим ёмон,  
Қалбга отди тўлғоқ домини...  
Туғилмаса гар зўр шеър шу он,  
Яшил армон қўяй номини.



\* \* \*

Ҳаётнинг ҳар аччиқ кунига қўниб,  
Яшадим мен ўксис, яна ўксиниб...  
Кўзларим ўнгига бормоқда аста  
Бу рангли дунёнинг ранглари сўниб.

\* \* \*

Йигирма беш йил ухладим,  
Туш кўрдим мен шунча йил, оҳ!  
Уйғонишга кўпдир ҳали,  
Туғилишга анча узоқ.

\* \* \*

Үртамизда туманли ғамлар,  
Күрөлмаймиз бир-биримизни.  
Гулим, мана, ўтмоқда дамлар,  
Ҳар кун қарғаб тақдиримизни.

Тегирмоннинг сангидек эзар  
Ҳаётнинг кўп чиғириқлари.  
Вужудимиз тинчини бузар  
Юракнинг ҳар бир оғриқлари...

Орзуимиз рўёби қани?  
Фақатгина қолди хаёлот.  
Үртамизда қайғу тумани  
Тарқалмади бир умр, ҳайҳот!

\*\*\*

Чечагим, чеҳрангиз ҳамон ўшадир,  
Чеҳрангиз чаманга чирой қўшадир,  
Интилиб, сарғариб, ғариб бўлдик биз,  
Сўйган кўнглимиз-чи, синган шишадир.

Олиб кетар Сизга хаёл – оқизоқ,  
Бироқ бул йўлларда армондир тузоқ.  
Билсангиз, бинафшам, мушкул чидамоқ.  
Ўксислар дилимда ипин эшадир.

Қаноти қайрилган қушмикан севги,  
Билмам етиб бўлмас тушмикан севги,  
Нишонга яралган тўшмикан севги,  
Бир-бир отилган ўқ тўшим тешадир.

Оҳ, нигоҳингизда қотил ўқ яшар,  
Шунданми, кўнглингиз доим тўқ яшар,  
Бизнинг юракда-чи, ўчмас чўғ яшар,  
Бул чўғлардан вужуд ёниб пишадир.

\* \* \*

Юзларимда қолган оёқ изи бор,  
Мажруҳ юрагимда тирноқ изи бор.  
Бул бармоқларимни ёндиргувчи, оҳ,  
Эҳ, бармоқларимда бармоқ изи бор.

Йиллар олиб кетди ҳушларимни-ей,  
Ардоқлаган нозик қушларимни-ей.  
Тилкалаб, поралаб руҳларимни-ей,  
Кўксимда абадий пичоқ изи бор.

Суҳбатингни тинглаб қонмадим ўзим.  
Талпиндим, топмадим, тонмадим ўзим ...  
Кўкка етди, сенга етмади бўзим,  
Кўзларимда тийрон қароқ изи бор.

Тўкилар руҳим ҳар сайраган найдан,  
Ишқни қайта-қайта қайраган найдан,  
Хаёлимни бетин ҳайдаган найдан,  
Найларам, абадий чақмоқ изи бор.

Йўлларингни пойлаб, карахт бўлдим мен,  
Сувларингга ташна дараҳт бўлдим мен,  
Сўқмоқларда қолган бебаҳт бўлдим мен,  
Қалбимда топталган байроқ изи бор.

Юзларимда қолган оёқ изи бор,  
Мажруҳ юрагимда тирноқ изи бор.  
Бул бармоқларимни ёндиргувчи, оҳ,  
Эҳ, бармоқларимда бармоқ изи бор.

\* \* \*

Күзларинг домига илиндим, Зебо,  
Оҳ, нақадар теран, нақадар чуқур.  
Бундан қутулмоқлик мушкулдир, аммо  
Қутулмоқ истамас хаёлим учқур.

Бундан тортиб олма соchlаринг билан,  
Ютиб юборса ҳам майлига кўзинг.  
Майлига, розиман бир умрга ман  
Кўзларингда қолсам, бўлиб маҳбусинг.

\* \* \*

Қоқар қайғу қошимда қанот,  
Гуноҳкорман, гуноҳкор ўзим.  
Бир умрга тиғ бўлса, наҳот,  
Айтолмаган биргина сўзим.

Хотирамга тошларни отдим,  
Ғам уясин тўэфитиб ногоҳ.  
Хаёлимга миндирдим отлар,  
Хаёлингга бўлсин деб ҳамроҳ.

Армонларим қаърига шўнғиб,  
Яраладим минг бора дилим.  
Юрак битди дардларга тўлиб,  
Кечир, гулум, кечиргил, гулум.

Англадим мен барин кечикиб,  
Чидай олмам энди ғашликка.  
Софинар дил зор-зор ичикиб,  
Надоматлар бўлсин ёшликка!

## ЖИДДИЙ ҲАЗИЛ

Вужудимда ғам-ғашлик  
Қўйди бу кун болалаб.  
Тунлар энди ухламай,  
Чиқар дилни тимдалаб.

Қаранг, дўстлар, ғамларга  
Танбур бўлди бул ичак.  
Бешик бўлди юрагим,  
Томирларим беланчак.

Бири келиб ўт қўяр,  
Бири эса ўчирап.  
Шундай қилиб вужудим  
Не кунларни кечирар.

Бирин-кетин улғаяр,  
Ёш етгани ўларлар.  
Ўликларин шунда ҳам  
Жигаримга кўмарлар.

Ўлат келгур ғамларга,  
Ё раб, бир кун ютулгум...  
Кириб охир қабрга,  
Сўнг улардан қутулгум.

\* \* \*

Күнғир оқли қүнғироқли бир от келди,  
Отни миниб ғам аталмиш ёв-ёт келди,  
Тиқилганча бүгзимга-эй фарёд келди,  
Қамалларда қолди қалбим, қолди қалбим.

Вужудимни тилкаламай пичноқ тифи,  
Юрагимга тиқилмайин унинг туфи,  
Қутқар мени, Она буғи, Она буғи,  
Қийноқларда қолди қалбим, қолди қалбим.

Нега бунча ёвларим-эй әсуқ бўлди?  
Кўрган куним бунчалар ҳам совуқ бўлди?  
Қувонч қочди, йироқ бўлди, оҳ, йўқ бўлди,  
Қабрларда қолди қалбим, қолди қалбим...

\* \* \*

Юзларимга босилғандир соғинч лаби,  
Бу лаблардан юрагимнинг тириқ таъби.  
Хазонрезда барглар хазон бўлган каби  
Соғинчлардан киприкларим тўкилади.

Йиллар юзинг хаёлимга йўлладилар,  
Икки кўзим кўзларингга чўлладилар.  
Охир, мана, юзларимни хўлладилар,  
Соғинчлардан киприкларим тўкилади.

Яшил умид яшиндек, оҳ, хазон бўлди,  
Киприкларим ёшларимда маржон бўлди,  
Томчи соғинч томиб-томиб уммон бўлди,  
Соғинчлардан киприкларим тўкилади.

\*\*\*

### *Мұҳаммад Юсуф хөтирасыға*

Үтиб бораётір бу умр — карвон,  
Айлаб дил аталмиш кулбамни вайрон,  
Мұҳаммадсиз қолдик, Мұҳаммадсиз-ей,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андіжон.

Бағрингда бүй етған бўз боланг кетди,  
Бургутинг ҳам лочин кўз боланг кетди,  
Ўзгамас, ўзбегинг, ўз боланг кетди,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андіжон.

Юлдузни йиғлатган ашъори қолди,  
Бағри қон қизғалдоқ – алёри қолди,  
Бойчечагу жайрон, гул – ёри қолди,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андіжон.

Йиғлаб қолди бир қиз булоқ бошида,  
Армон – ўқинчлари кўзин ёшида,  
Ўкиниб-ўкиниб қабри қошида  
Нега йиғламайсан, аҳли Андіжон.

Учмоққа ўч зди учмоққа учди,  
Улуғ Улуғбегин улуғин қучди...  
Осмонингдан ёрқин юлдузинг учди  
Нега йиғламайсан, аҳли Андіжон.

Бу кун йўлбарсларга едиргум дилим,  
Юрагим едиргум, едиргум тилим.  
Кўкламойнинг кўкин сўраб бир чимдим,  
Нега йиғламайсан, аҳли Андіжон.

\*\*\*

Жабрлар жонимга балолиқ бўлди,  
Сўзлаган сўзларим бежолиқ бўлди,  
«Тўғри сўзни» оғзи қийшиқ гапирди,  
Ҳар ишники қилдим хатолиқ бўлди.

Ҳақ дея сўз урдим, сўзим йиглади,  
Кудуратдан кўкраб кўзим йиглади,  
Танамдан тоқатим, тўзим йиглади,  
Ҳар ишники қилдим хатолиқ бўлди.

Толиб, толинганим – сўзга юкиндим,  
Қароқчи, ҳам қотил кўзга юкиндим,  
Бўғзимни ёндирган бўзга юкиндим,  
Ҳар ишники қилдим хатолиқ бўлди.

Оҳ, мағлуб бир байроқ бўлди бул таним,  
Топталди, хок-тупроқ бўлди бул таним,  
Таним кўксингда доф бўлди, Ватаним,  
Ҳар ишники қилдим хатолиқ бўлди.

Армон лашкарлари — ғолиб муғомбир,  
Завқланиб дилимда чалдилар танбур,  
Ўкиниб қабридан тик турди Бобур:  
«Ҳар ишники айладик хатолиқ бўлди».

\* \* \*

*Шавкат Раҳмонга*

Фалаёнга тўла вужуддан  
Охир дунё бўлдими халос?  
Ер остида ётибсиз, мана  
Барча мўмин бандаларга хос.

Ўйчан кўзлар ўяди ўйим,  
Лек бу кўзлар мангу яшайди.  
Сизни ёдга олган чоғларим  
Менинг дилгир дилим қақшайди.

Худо берган ззгу сўзингиз  
Жон аталган жойга қадалган.  
Қисқа, қора, қизиқ қисмат-ей  
Наҳот Сизга, Сизга аталган.

Бўғзим бўғар бўғиқ бўзларим,  
Икки дунё теварагида.  
Сиз-чи мунгга тўлиб ётибсиз  
Қулоқ солиб ернинг тагида.

\* \* \*

Гулим, гул юзингиз тұла изтироб,  
Оҳ, күзларингизга соғинч илашган.  
Кечалари гоҳи мунг, гоҳида хоб  
Киприкларингизда ўрин талашган.

Тинмайин тўрини тунлар ташлайди,  
Бир нуқтага нигоҳ михлаб қоласиз.  
Ўқсишлар қалбингиз қамрай бошлайди,  
Сўнг соғинчни қучиб ухлаб қоласиз.

Соғинч дилингизда гулдай очилар,  
Димоғингизда бир ифор тұясиз.  
Ифор етти иқлим узра сочилар,  
Сиз ифор кўксига жим бош қўясиз.

Бўғзингизда эса аламли унлар,  
Армон осмонида хаёл – муаллақ...  
Армонларга қалам ботириб тунлар  
Сатрлар битади Сизга Абдулҳақ.

## МУНДАРИЖА

«Эркам, бир кун маъюс кўнглим шодлармисиз?...» .....	3
«Ҳинду сори юзланганча қолди отлар...» .....	4
«Гулим, букун узилди арқон...» .....	5
«Тиконлар бир куни сиз гул бўлармисиз?...» .....	6
«Киприк ҳақида достон...» .....	7
Кўзим – анҳор .....	8
Қалбим – қабр .....	9
«Туманлар тизилар, тунлар тизилар...» .....	10
«Ичимга ютганча бор соғинчимни...» .....	11
«Қуюнларда қолган қалб меникидир...» .....	12
Неки бўлса .....	13
«Тун бўйи кездим дил тўлағам...» .....	14
«Юрак чирс-чирс ёнар андуҳ ўчоғида...» .....	14
«Тун...» .....	15
«Ўтди ёшлиқ, қолдимғам — тоғ устида...» .....	15
«Жимлик риштаси-ла боғлаб тилимни...» .....	16
«Қийнамоқда телбалиқ ёмон...» .....	17
«Ҳаётнинг ҳар аччиқ кунига кўниб...» .....	18
«Йигирма беш йил ухладим...» .....	18
«Ўртамизда туманлиғамлар...» .....	19
«Чечагим, чеҳрангиз ҳамон ўшадир...» .....	20
«Юзларимда қолган оёқ изи бор...» .....	21
«Кўзларинг домига илиндим, Зебо...» .....	22
«Қоқар қайғу қошимда қанот...» .....	23
Жиддий ҳазил .....	24
«Қўнғир оқли қўнғироқли бир от келди...» .....	25
«Юзларимга босилгандир соғинч лаби...» .....	26
«Ўтиб бораётир бу умр — карвон...» .....	27
«Жабрлар жонимга балолиқ бўлди...» .....	28
«Фалаёнга тўла вужуддан...» .....	29
«Гулим, гул юзингиз тўла изтироб...» .....	30

*Адабий-бадиий нашр*

**АБДУЛХАҚ**

**ЧЛИҚАЛИБ ОҚМОҚДА ДУНЁ**

Мұхаррир *A. Қутбиддин*  
Бадиий мұхаррир *Б. Бозоров*  
Тех. мұхаррир *Е. Демченко*  
Мусақхың *Н. Жабборова*  
Сағифаловчы *Н. Раҳимов*

**ИБ № 4177**

Босиши 21.04.2006 й.да рұхсат этилди.  
Бичими 70x90 1/32. Босма тобоги 1,0.  
Шартли босма тобоги 1,17. Адади 1000 нұсха.  
Бағосы келишилгән нархда. Буюртма № 93.

«Янги аср авлоди» нашиёт-матбаа марказида тайёрланди.  
«Ешлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.